

## V. Хизматлар

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки хеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2020 йил январь-декабрь ойларида хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 16 677,3 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 5 960,1 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 35,7 %ини ташкил қилди. 2019 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 103,4 %ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган  
хизматларнинг асосий кўрсаткичлари  
(2020-йилнинг январь-декабрь ойларида)**


	млрд. сўм	2019 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида	якунга нисбатан % ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>16 677,3</b>	<b>103,4</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан: хизмат турлари бўйича			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	454,9	132,0	2,7
Молиявий хизматлар	2 291,0	131,6	13,7
Транспорт хизматлари	3 956,2	100,4	23,7
шу жумладан: автотранспорт хизматлари			
	3 772,6	101,4	22,6

	млрд. сўм	2019 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида	якунга нисбатан % ҳисобида
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	542,0	80,5	3,3
Савдо хизматлари	5 811,1	103,0	34,8
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	513,5	91,0	3,1
Таълим соҳасидаги хизматлар	582,7	103,9	3,5
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	272,7	82,7	1,6
Ижара хизматлари	511,7	104,0	3,1
Компьютерларни ва майший товарларни таъмирилаш хизматлари	317,7	93,4	1,9
Шахсий хизматлар	412,6	91,0	2,5
Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	576,2	82,2	3,5
Бошқа хизматлар	434,9	103,4	2,6

Юқори ўсиш алоқа ва ахборотлаштириш хизматларида (32,0 %), молиявий хизматларда (31,6 %), ижара хизматларида (4,0 %), таълим соҳасидаги хизматларда (3,9 %), савдо хизматларида (3,0 %), транспорт хизматларида (0,4 %) ва бошқа хизматларда (3,4 %) қайд этилди.


Хизматлар соҳасига тааллуқли бўлган бошқа барча фаолият турлари бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатларининг пасайиши кузатилмоқда.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган  
бозор хизматларининг таркиби  
(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида энг катта улушни савдо хизматлари эгаллади. Шундай қилиб, 2020 йилнинг январ-декабрь ойларида уларнинг улуси 34,8 %ни ташкил этди. Шу билан бирга, юқори кўрсаткичлар транспорт хизматларида (23,7 %), молиявий хизматларда (13,7 %) қайд этилди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар кўрсатиш ҳажмларида унча катта бўлмаган ўсиш кузатилиб, уларнинг улуси 1,6 %ни ташкил этди. Шунингдек, нисбатан юқори бўлмаган улуш компьютер ва майший товарларни таъмирилаш бўйича хизматларга (1,9 %), шахсий хизматларга (2,5 %) ва бошқа хизматлар ҳиссасига (2,6 %) тўғри келди.

Савдо хизматлари таркиби, %да  
(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)




2020 йилнинг январь-декабрь ойларида чакана савдо хизматлари улуши умумий савдо хизматлари ҳажмининг қарийб тўртдан уч қисмини, аниқроғи 69,7 %ини ташкил этди (2019 йилнинг мос даврида чакана савдо хизматлари улуши 68,7 %га тўғри келган).

Улгуржи савдо хизматларининг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 22,1 %ни ташкил этди.

Автомобил ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси, автомобиль ва мотоциклларни таъмирлаш хизматларини қўшган ҳолда умумий савдо хизматларининг улуши 8,2 %ни ташкил қилди.

**Худудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг  
ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан, %да  
(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)**



Ушбу давр мобайнида нисбатан юқори ўсиш суръатлари Зангиота (108,7 %), Бўстонлиқ (104,7 %), Юқоричирчиқ (104,5 %), Паркент (104,3 %) туманларида ҳамда Нурафшон (105,3 %), Янгийўл (104,4 %), Бекобод (101,0 %) шахарларида қайд этилди.

Нисбатан юқори бўлмаган ўсиш Ангрен (103,0 %) ва Чирчиқ (102,9 %) шахарларида, Кўйичирчиқ (104,0 %) ва Оҳангарон (103,0 %) туманларида қайд этилди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари таққосланиши



■ Январь-декабрь 2019 й. ■ Январь-декабрь 2020 й.

Яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажми сезиларли даражада (19,5 %га) пасайиши қайд этилди. Шу билан бирга, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматларда (17,3 %га), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларда (17,3 %га), кўчмас мулк билан боғлик хизматларда (9,0 % га), шахсий хизматларда (9,0 %га), компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматларда (6,6 %га) ҳамда бошқа хизматларда (17,8 %га) пасайиш кўзатилди.

**2020 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича кўрсатилган  
хизматлар ҳажми**


	<b>Жами</b>			<b>Аҳоли жон бошига</b>	
	<b>Млрд. сўм</b>	<b>2019 йил январь- декабрга нисбатан %да</b>	<b>Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларн инг улуши, %да</b>	<b>минг сўм</b>	<b>2019 йил январь- декабрга нисбатан %да</b>
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>16 677,3</b>	<b>103,4</b>	<b>100,0</b>	<b>5 619,2</b>	<b>101,7</b>
<i>шаҳарлар:</i>					
Нурафшон	875,1	105,3	5,2	17 859,7	104,0
Олмалиқ	1 126,1	101,6	6,8	8 518,4	100,0
Ангрен	1 029,1	103,0	6,2	5 422,2	101,5
Бекобод	770,6	104,1	4,6	7 994,2	102,7
Оҳангарон	358,0	102,0	2,1	9 323,1	99,1
Чирчиқ	1 394,5	102,9	8,4	8 715,8	100,6
Янгийўл	841,0	104,4	5,1	13 742,6	102,3
<i>туманлар:</i>					
Оққўрғон	429,6	101,9	2,6	4 064,3	100,4
Оҳангарон	217,3	103,0	1,3	2 256,6	101,6
Бекобод	466,1	102,8	2,8	2 942,7	101,3
Бўйтонлиқ	923,3	104,7	5,5	5 427,9	103,5
Бўка	444,6	102,3	2,7	3 514,6	100,7
Қуиичирчиқ	310,2	104,0	1,9	2 845,7	102,1
Зангиота	1 568,6	108,7	9,4	7 898,2	107,3
Юқоричирчиқ	555,0	104,5	3,3	4 048,2	102,3
Қибрай	1 757,5	101,3	10,5	8 730,6	100,2
Паркент	634,8	104,3	3,8	4 066,8	102,5
Пискент	243,4	102,4	1,5	2 400,5	101,0
Ўртачирчиқ	606,9	101,4	3,6	4 013,8	99,3
Чиноз	523,0	101,1	3,1	3 877,2	99,3
Янгийўл	745,4	101,3	4,5	3 507,8	99,3
Тошкент	856,9	102,7	5,1	4 713,7	101,1

Худудлар ўртасида энг юқори ўсиш суръатлари Зангиота (108,7 %), Юқоричирчик (104,5 %) туманлари ва Нурафшон (105,3 %), Янгийўл (104,4 %) шаҳарларига тўғри келди.


Энг паст ўсиш суръатлари эса Қибрай (101,3 %), Янгийўл (101,3 %) ва Чиноз (101,1 %) туманларига тўғри келди.

2020 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига қўрсатилган хизматлар ҳажми 5 619,2 минг сўмга teng бўлди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,7 %ни ташкил этди.

### **2020 йил январь-декабрь ойларида худудлар бўйича аҳоли жон бошига қўрсатилган хизматлар ўсиш суръати, %да**




**2020 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон  
бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми**



Жорий йилда вилоятда аҳоли жон бошига кўрсатилган энг юқори хизматлар улуши Нурафшон шаҳрида – 17 859,7 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,0 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган энг кичик хизматлар улуши Пискент туманида 2400,5 минг сўмни (ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,0 %), Янгийўл туманида 3507,8 минг сўмни (99,3 %), Чиноз туманида 3872,2 минг сўмни (99,3 %) ташкил этди.

**Худудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик  
фаолиятининг улуши, %да**



2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажмига нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши 69,3 %ни ташкил этди.

Худудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши таҳлил қилинганда энг юқори улуш Бўка (87,4 %), Қўйичирчиқ (87,4 %), Оққўргон (85,6 %), Чиноз (77,3 %) туманларига тўғри келиб, аксинча паст улуш Нурафшон шаҳар (25,3 %) ва Қибрай туманида (47,6 %) кузатилди.